

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 10.08.2020 йилдаги
635/02-11-сон хатига илова

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 33

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Фармойиш лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ташаббускорлик асосида

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Кўптармоқли “Тиббий марказ” давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – мавжуд эмас;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг кўптармоқли “Тиббий марказ” давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилмоқда.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг кўптармоқли “Тиббий марказ” давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида **соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш** кўзда тутилган ва бу бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига кўра битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг **таъсис этилишига йўл қўйилмайди**.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда тиббиёт соҳасида етарли равиша рақобат ва хусусий тиббий хизмат қўрсатиш ривожланганини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестиацияларни фаол жалб этиш соҳасида **соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш** кўзда тутилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига кўра битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг **таъсис этилишига йўл қўйилмаслиги белгиланганини** инобатга олиб, мазкур фармойишда қўрсатилган давлат муассасасини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги билдирилади.